



Бисмиллахир Роҳманир Роҳим

Аллоҳга хамдлар, пайгамбаримизга, унинг оиласи ва уларга яхшилик билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Шайтон бизнинг яшаётган давримизда Аллоҳнинг бандаларини адаштириш учун танлаган катта восита – кўшик ва мусикадир. Мусика ва кўшик Аллоҳнинг каломини эшлитиш ва унинг калб ва тилларга бўлган таъсирини тўсувчи, калбларни иймондан «тозалаб», Шайтон йўлларини очиб, Аллоҳнинг йўлидан маҳрум килувчи сабаблардан биридир. Мусика ва кўшик – намознинг зиддири. Чунки, намоз фахш ва гунохларни такикласа, кўшик ва мусика фахш ва гуноҳ нарсаларга амр этади. Бундай ахволга тушган одамнинг Аллоҳнинг йўлига хидоятланиши амри маҳолдир.

Мусика ва кўшикнинг инсон аклига хукмрон бўлиш табиати бўлгани учун хам, Шайтон ва унинг яхудий ва насроний лашкарлари хамда уларга эргашган кимсалар фурсатни бой бермай бутунжахон оммавий ахборот воситаларига хукмрон бўлдилар. Улар оммавий ахборот воситаларини сон-саноксиз кўшикчи аёл ва эркаклар, бастакорлар, Аллоҳ бирон бир хужжат тушурмаган кўшик шоирлари билан тўлдирдилар ва уларни молу дунё ва маст килувчи ичимликлар ва турли «мафтункор» нарсалар билан таъминладилар. Халкларни эса ўзларининг исломга зид бўлган максадлари томон йўлладилар. Ахир кизларнинг инсон «бўрилар» кучогига отган кўшик эмасми?! Исломий бирдамликка карши курашга чакириб худосизлик фикри, ўлкачилик ва миллатчилик гояларининг ёйилишига сабаб бўлган кўшиклар озми?!..

Мусулмон дўстлар, шунинг учун хам, биз сизлар учун Аллоҳнинг



китоби, суннат ва уламоларнинг сўзларига биноан мусика ва кўшикнинг хукмини баён килмокчимиз.

Аллоҳ таъолодан йўлимизни тўгри килишини, ўз йўлида юришда бизга илхом беришини, шу рисола билан берк калблар ва оғир кулокларни очишини сўраймиз. У - тўгри йўлга хидоятловчи ва бу ишга кодирдир.

Таърифлар

«Кўшик» - шеър ва наср билан овозни кўтариш ва уни севиш билан кувониш (шодланиш). У баъзида мусика хамрохлигига бўлади. Уламолар истилохида кўшикнинг бир неча исмлари бор. Улар: ўйин-кулгу, ботил, ёлгон, карсак, хуштак, зинонинг турткиси, Шайтоннинг овози, Шайтоннинг оханги, мунофиклик манбаси, ахмокона ва фожир товуш.

«Мусика» (музика) – юононча сўз бўлиб, уд, камон, дўмбира, дутор ва шу каби чолгу асбоблари воситасида чикадиган охангдир.

Кўшикнинг хусусиятлари:

- Харом нарсаларни чиройли килиб кўрсатади;
- Нафсни эҳтиросли ишларга ундейди;
- Калбни чалгитади ва унинг Аллоҳни эслаш йўлида тўсик бўлади;
- Калбни каро киласида. Натижада, калб Аллоҳнинг амрларига унамайди ва гунохларни инкор эта олмайди;
- Шайтоний холатларни кучайтиради.



Кўшикнинг турлари

Кўшик икки турлидир: Мубох (руҳсатли) ва харом кўшиклар.

Биринчи: Мубох кўшиклар..

Бу турдаги кўшиклар- таркибида шариатга зид бўлган ширк, хаёсизлик, мусулмонларни хажв ёки масхара килиш бўлмаслиги, маст килувчи ичимликларни мактамаслик, ажнабий ва балогат ёшига етган аёллар томонидан эркаклар олдида ёки парда оркасида айтилмаслиги, бирон бир фарзни адо килишдан чалгитмаслиги ёки чалгитишга сабаб бўлмаслиги ва кўп айтилмаслиги хамда чолгу асбоблари ёки мусика жўрлигига айтмаслик шарти билан овозни кўтариш ва уни оханг билан айтишдир.

Мубох кўшикларнинг турлари:

- Иш кўшиклари. Бу турдаги кўшиклар иш асносида малолни кетказиши, химматни ошириш ва иш оғирлигини енгиллатиш учун айтилади.
- Уруш пайтида айтиладиган кўшиклар. Бу турдаги кўшиклар жангчиларни жангга киришга жасоратлантириш учун айтилади.
- Онанинг бешикдаги боласини ухлатиш ёки кўлидаги боласини ўйнатиш учун айтиладиган кўшиклар.
- Никоҳ тўйи, сафардагиларнинг кайтиши ёки байрамларда аёлларнинг аёллар ичида айтган кўшиклари. Бунинг шарти дуф (доира) дан бошка мусика асбобларининг жўр бўлмаслиги, доира кичик ва кўнгирокчалари бўлмаслиги, уни аёлларгина чалиши ва



шариатда рухсат берилиган меъёрдан ошмаслигидир. Доирани эркаклар чалиши мумкин эмас.

Иккинчи: Харом бўлган кўшиклар.

Бу турдаги кўшиклар юкоридаги шартларга жавоб бермаган кўшиклардир. Бирон бир чолгу асбоби воситасида айтилган, таркибида шариатга зид сўзлари бўлган, фарзларни адо этишдан чалгитган, эркаклари (номахрам) аёлдан эшитган, иш хаки олинган ёки суюклика даъват этадиган оханглар билан куйланган ва бошка кўшиклар. Бу кўшиклар шаръян жоиз эмасдир. Чунки, бу кўшиклар Аллохни эслашдан тўсади ва инсоннинг яралиш гояси бўлмиш ибодатдан чалгитади.

Энди кўшик ва мусика асбобларининг харом эканига Аллохнинг китоби куръон карим ва расулulloҳ саллоллоҳу алайхи ва салламнинг суннатлари, салаф солих ва мазхаб уламоларининг сўзларидан олинган далилларни баён киламиз.

Кўшик айтиш ва мусиканинг харом эканига Куръон Каримдан далиллар

Биринчи оят: «Одамларнинг баъзилари билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллохнинг йўлидан адаштириш ва у (йўл) ни масхара килиш учун «лахвал-хадис» (кўшик) ни сотиб олади. Уларга хорловчи азоб бордир.» (Лукмон:6).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху ушбу оятдаги «лахвал-хадис» хакида сўралганида: «Ундан бошка илоҳ бўлмаган зотга касамки, у-кўшикдир» – деб уч марта такрорлади. (Иbn Касир тафсири).

Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар ва Жобир ибн Абдуллоҳ



розияллоҳу анхумлар хам айни сўзни айтдилар. Сахобанинг сўзи тафсир килишда хужжатdir. Бу тафсир илмида маълумdir. Шунингдек, тобеъинларнинг бир оятнинг тафсирига килган ижмоълари хам хужжатdir. Дарҳакикат, сахоба ва тобеъинлар «лахвал-хадис» нинг кўшик эканига ижмоъ килдилар. Уларга хеч ким муҳолиф бўлмади.

Иккинчи оят: «Улардан кучинг еган кимсани овозинг билан кўзгат, уларнинг устига отлик ва пиёда лашкарларингни торт, топган молдавлат ва бола-чакаларида шерик бўл ва ваъда кил. Дарҳакикат, Шайтон уларга ёлгон нарсаларнигина ваъда килади.» (Исро: 64).

Муфассирларнинг имоми Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ Иблининг овозини: «У- кўшик, чолгу асбоблари, ботил ва бехуда нарсалар» – деб тафсир килди. Даҳҳок раҳимаҳуллоҳ эса: «Чолгу асбобларининг товуши» – деб тафсир килди. (Куртубий тафсири: 10/288).

Учинчи оят: «Сизлар ушбу сўз (оят) лардан хайратланиб ундан таъсирланиш ўрнига сомид холларингизда куляпсизларми!» (ан-Нажм: 59).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо ушбу оятдаги «сомидуун» сўзини: у - кўшикдир деб тафсир килдилар. Бу сўз яманликлар шевасида истеъмол килинади. Улар «Усмуд лана» яъни «Бизга кўшик айт» дейдилар.

Мужоҳид ибн Жабр раҳимаҳуллоҳ хам : «У кўшикдир. Яманликлар кўшик айтган кимса хакида «Самада фуланун» дейдилар- деб тафсир килди. (Иғосатуллаҳфон: 1/285).



Тўртинчи оят: « У (мушрик) ларнинг Каъба олдидаги ибодатлари мукоъ ва тасдия эди». (Анфол:35). Мукоъ - хуштак чалиш, тасдия – карсак чалиш.

Кўшик айтиш ва мусиканинг харом эканига расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан далиллар

- Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умматим ичидан зино, ипақ, хамр (маст килувчи ичимлик) ва маозифни халол килиб оладиган кишилар чикади» (Имом Бухорий ривояти).

Хадисдаги «маозиф» сўзи барча чолгу ва ўйин- кулгу асбобларини ўз ичига олган пурмаъно сўздир.

Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Роббим азза ва жалла менга хамр, кимор, дўмбира ва кўшик айтишни харом килди» (Имом Ахмад ривояти: 1/274, сахих хадис). Вахоланки хозирги кунда кўшиклар дўмбираасиз айтилмай колди.

Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умматимдан бир тоифаси хамр ичади ва уни бошкacha ном билан номлайди. Уларнинг даврасида чолгу асбоблари ва кўшикчи аёллар бўлади. Аллоҳ таъоло уларни Ерга юттиради ва уларни маймун ва чўчкаларга айлантиради». (Ибн Можжа ривояти, сахих хадис).

Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Лаънат килинган икки товуш бор: Неъмат пайтида чолгу асбобларининг товуши ва мусибат пайтида фарёд этилган товуш.» (ас-Силсилатус-саҳийха).

Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматим ичидан Ер ютиш, бошка маҳлукка айланиш ва тухматлар бўлади» - дедилар. Сахобалар



Ислом Нури

улар «ла илаха иллаллох» дейдиларми деб савол бердилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Ха, чолгу асбоблари пайдо бўлган, ҳамрлар (ичилган) ва (эркаклар томонидан) ипак (кийим) лар кийилган пайт» – деб жавоб бердилар. (Иbn Аби Шайба: 15/164).

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам қўшикчи аёлнинг (қўшикчилик) касбидан топган маблагни (ишлатишни) такикладилар. (Багавий, Шархуссунна: 8/22).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумонинг кули Нофеъ деди: «Мен ибн Умар билан бирга (бир эшак ёки туяга) минган эдим. У чолгу асбоблари чалинган ердан ўтар экан бармокларини кулоклари ичига тикди ва йўлдан четлашди. Бироздан кейин «хой Нофеъ бирор нарса эшитяпсанми?» – деб сўради. Мен: Йўқ деб жавоб бердим. У бармокларини кулокларидан чикарди ва: «Мен расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга мингашган эдим. Бунга ўхшаш нарсани эшитишлари билан мен килган ишни килган эдилар.» – деди. (Абу Довуд ривояти, сахих хадис).

Муфассир Куртубий раҳимахуллоҳ Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумонинг сўзларини келтирганидан сўнг: «Меъёридан ошмаган овоз хакидаги уламоларимизнинг фикри шу бўлса, замондошларимизнинг қўшиклари ва чолгу асбобларининг товушлари кандай бўлар экан» – деди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам «Кўнгирок Шайтоннинг чолгу асбобидир» – дедилар. (Имом Муслим ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ит ва кўнгирок ҳамроҳ бўлган дўстларга фаришталар ҳамроҳ бўлмас» – дедилар. (Имом



Муслим ривояти).

Агар кўнгирок фаришталарнинг хамроҳ бўлишига тўсик бўлса, инсондаги хар бир аъзо ва хар бир тукни кимирлатган замонавий электрон мусика асбобларининг хукми кайндай бўлар экан?!!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Одам боласига зинодан бўлган насибаси ёзилди. У уни топиши мукаррар. Кўзларнинг зиноси караш, кулокларнинг зиноси эшитиш... (Имом Муслим ривояти).

Сахоба, тобеин ва тўрт имомдан накл килинган хабарлар

Абу Бакр розияллоҳу анху икки кичик кизнинг доира чалиб кўшик айтаётганларини кўрди ва уларни таъкиклаб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам хузурида Шайтон куйлари чалинадими?» - деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам унинг бу сўзларига эътиroz этмадилар. (Имом Бухорий ривояти).

Усмон розияллоҳу анху Аллоҳ таълонинг ўзига берган фазли ва бу гунохни килмаганини билдириб: «Кўшик айтмадим ва айтишни орзу хам килмадим» - деди. (Иbn Аби Осим: 2/595).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху: «Кўшик калбда мунофикаликни ундиради» - деди.

Анас ибн Молик розияллоҳу анху: «Касбларнинг энг ифлоси кўшикчи аёлнинг касбидир» - деди. (Ибн Абид- Дунё, Заммул- малаахий).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо эхром кийган ва даврасида кўшик куйлаётган бир киши бўлган гурух олдидан ўтди ва : « Аллоҳ



сизлар (нинг дуоларингиз) ни эшитмасин! Аллох сизлар (нинг дуоларингиз) ни эшитмасин! – деди. (Ибн Абид-Дунё, Заммул-малаахий).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо деди: «Чилдирма харомдир, чолгу асбоблари харомдир, дўмбира харомдир ва торли чолгу асбоблари харомдир». (Имом Бухорий ривояти).

Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ кўшик ҳакида шундай деди: «Унинг бошланиши Шайтондан бўлиб, окибати Аллоҳ азза ва жалланинг газабидир.» (Ожуррий Умарнинг таржимайи холларида айтган сўзларида ривоят килди).

Вакиъ ибн Жарроҳ раҳимаҳуллоҳ: «Абдуллоҳ ибн Умар каби танбурни олиб, эгасиниг бошига тушурсам» – деди. (Халлол ривояти: 126).

Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ деди: «Кўшик зинонинг рукясидир». (Ибн Абид-Дунё, Заммул-Малаахи).

Имом Аъзам Абу Ханифа раҳимаҳуллоҳ кўшик устидан харом деб хукм чикарган имомларнинг биридир. У кўшик эшитишни гуноҳ деб хисоблар эди. (Талбису Иблис).

Имом Шофейй раҳимаҳуллоҳ: «Кўшик ботил ёки малохига ўхшаш макрухдир. Уни кўп айтган киши гувоҳлиги кабул килинмайдиган пасткашдир» – деди.

Имом Шофейийнинг «Макрух» деб айтган сўзи харом демакдир. Зеро Аллоҳ таъоло хам: «У (Аллоҳ) сизларга куфр, фиск ва осийликни макрух килди» деди. Бу оятдаги «Макрух» сўзи хам «Харом» маъносидадир. Имом Шофейй «Мен Ирокда «Тагриб» кўшик деб



Ислом Нури

номланган нарсани ташлаб келдим. Уни одамларни куръондан тўсиш учун зиндиклар ўйлаб топганлар» - деди.

Имом Молик раҳимахуллоҳдан кўшик хакида сўралганида: «У билан биз тарафларда фосиклар шугулланадилар» деб жавоб берди.

Имом Ахмад раҳимахуллоҳ: «Най, камиш най, сурнай, танбур, рубоб ва шунга ўхшаш чолгу асбоблари харомдир» - деди.

Шаъбий раҳимахуллоҳ: «Кўшикчи ва унга кўшик айтилган шахс малъундир» -деди. (Ибн Абид-Дунё, Заммул- малаахий).

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ: « Шайтоний холатларни кучайтирадиган сабабларнинг энг кучлиси кўшик ва бехуда нарсаларни эшитишдир. Холбуки, бу мушрикларнинг иши». (Мажмуъул-фатава: 11/295).

Имом Куртубий раҳимахуллоҳ: «Кўшик куръон карим ва суннат билан таъкиланган» - деди.

Ибн Салоҳ раҳимахуллоҳ: «Чолгу асбоблари жўрлигида айтилган кўшикнинг харомлигига ижмоъ килинган» - деди.

Ижмоъ бир асрда яшаган ва Ислом уммати ичидан етишиб чиккан етуқ олимларнинг диний ишлардан бирига иттифок келишларидир. Ижмоъ фикх манбаларининг Куръон Карим ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг суннатларидан кейинги учинчи манбадир. У хам унда хилоф килнмайдиган катъий хужжатдир. Аллоҳ таъоло деди: «Ким Ҳак йўлни аник билганидан сўнг пайгамбарга хилоф иш килса ва мўминларнинг йўлларидан бошка йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича кўйиб берамиз. Сўнгра жаханнамга дохил киламиз.



Накадар ёмон жой у.» (Нисо: 115).

Ушбу оятда Аллоҳ таъоло Мўъминларнинг йўлларидан бошка йўлга эргашган кимсаларнинг окибати жаханнама эканидан хабар берди. Аллоҳ таъоло бизларни жаханнамаг тушишдан сакласин!

Мусулмонларнинг ижмоси хам хакикатdir. Уларнинг ижмоъларига мухолиф бўлган одамнинг эса мазкур оятдан насибаси бор. Юкорида зикри ўтган мавзумиз хакида келтирганимиз Исломнинг биринчи уч нурафшон асрида яшаган сахоба, тобеин ва уларнинг атбоъларининг ижмоси хам шариат доирасидан четда бўлган кўшик айтишнинг харомлигидир. Уларнинг биронтаси хам кўшик айтишга рухsat бермади. Балки, чолгу асбоблари жўрлигига айтилган кўшикларни айтишни харом дедилар.

Азиз дўстим, агар ижмоънинг хужжат бўлиб унга мухолиф бўлиш мумкин эмаслигини билган бўлсангиз, ўз-ўзидан куйидаги савол тугилади: «Мусика ва кўшик айтиш ихтилофли масалами ёки харомлигига ижмоъ килинган ва баҳс эшиклари ёпилган масалами?».

Жавоб: бу масала сахобалар ва уларга эзгулик билан эргашган тобеинлар, хусусан тўрт мазхаб имомлари томонидан харом эканига ижмоъ килинган масаладир. Агар бу масала ихтилофли бўлса эди, улар бу кадар жиддий бўлмас ва ихтилофли масалаларда мухолиф бўлган кимсалар хакида «фосик», «фожир», «мальун» ва «Шайтон» деб айтмас эдилар.

Хотима

Мусулмон дўстим, мусика ва кўшикнинг Ислом динидаги хукми сизга



маълум бўлган ва сиз мусика ва кўшикнинг харом эканини, улар айтилиб, чалинаётган ерлардан мусулмон узок бўлиши хамда бу борада сустлик килмаслик кераклигини билдингиз. Энди бу «бало» нинг ичida бўлсангиз уни тарк этишингиз, ичida бўлмасангиз Аллохга сизни саклагани учун хамд айтишингиз ва Аллохдан сизни хакикат узра событкадам килишини сўрашингиз керак. Сиз мусулмон биродарларингизга насиҳат килинг, Аллохнинг бу масаладаги хукмларини баён этинг. Бу масала хакидаги далиллар очик-ойдиндир, сизга факат етказиш колди холос. Агар тилингиз билан етказишга кодир бўлмасангиз бу гунохга тушган дўстларингизга совга килинг.

Биз эса : «Эй Аллох ва расулини севган банда, «Хакикатдан кейин эса фактатгина йўлдан озиш бор холос» деб айтамиз.

Аллохим етказдимми?! Аллохим ўзинг гувоҳ бўл!

Аллоҳ таъоло пайғамбаримизга, унинг оиласи ва барча сахобаларга салавот ва саломлар йўлласин.